



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 237 (13.570)

Баҳоси эркин нарҳда

ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚОЗОҒИСТОН ПРЕЗИДЕНТЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
Шавкат Мирзиёев 2017 йил 27 ноябрь кун
Қозоғистон Республикаси Президенти
Нурсултон Назарбаев билан телефон орқали
мулоқот қилди.**

Сўхбатда томонлар Ўзбекистон – Қозоғистон муносабатларининг муҳим масалалари, сиёсий, савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация ва бошқа соҳалардаги ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустақамлаш истиқболлари юзасидан фикр алмашдилар.

Давлат раҳбарлари дипломатик муносабатлар ўрнатилганига 25 йил тўлган жорий йил аниқ амалий мазмунга бой бўлгани ҳамда икки томонлама муносабатларни сезиларли даражада мустақамлаш, янги, сифат жиҳатидан янада юқори босқичга кўтариш имконини берганини алоҳида таъкидладилар.

Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг ўзаро манфаатли ва самарали ҳамкорлиги жадал кенгайиб бормоқда, барча даражада, жумладан, чегараолди ҳудудлар ва ишбилармон дои-

ралар ўртасидаги мулоқот фоллашмоқда. Жорий йил бошидан буён ўзаро товар айирбошлаш ҳажми сезиларли ортди, қўшма савдо уйлари ва замонавий ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этилди.

Давлат раҳбарлари ҳамкорлик бўйича режалаштирилган, аввало, иқтисодиёт соҳасидаги дастур ва лойиҳаларни ўз вақтида амалга ошириш мақсадида биргаликда янада фаол ҳаракат қилиш муҳимлигини таъкидладилар.

Томонлар ташқи сиёсат ва етакчи халқаро ташкилотлар доирасида ҳам самарали ҳамкорлик амалга оширилаётганини мамнуният билан қайд этдилар.

Сўхбат амалий фикр алмашиш, давлатларимиз ўртасидаги дўстлик ва яхши кўшничлик муносабатлари руҳида ўтди.

ЎзА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
Шавкат Мирзиёев 2017 йил 27 ноябрь кун
Қирғизистон Республикаси собиқ раҳбари
Алмазбек Атамбоев билан телефон орқали
мулоқот қилди.**

Ўзбекистон Президенти ўзининг Қирғизистон Республикасининг юксак давлат мукофоти – “Данакер” ордени билан таъкирлангани учун самимий миннатдорлик билдирди. Бу мамлакатларимиз ва қардош халқларимиз ўртасида дўстлик ва яхши кўшничлик муносабатлари, самарали ҳамкорликни ривожлантиришда эришилган улкан муваффақиятлар эътирофи экани таъкидланди.

Сўхбатда яқинидаги етатган йил икки томонлама муносабатларда тўпланиб қолган кўплаб, жумладан, анча мураккаб масалаларни ҳал қилишда катта натижаларга эришиш имконини берган ҳамкорликни янги даражага олиб чиқишда муҳим аҳамиятга эга бўлгани таъкидланди.

Қирғизистон ва Ўзбекистонга яқинда амалга оширилган ўзаро давлат ташрифлари икки томонлама муносабатлар ривожига янги суръат бахш этгани, мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажмининг сезиларли ўсишига, турли даражадаги ташрифлар алмашинуви фаоллаштиришга хизмат қилгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Ўзбекистон – Қирғизистон давлат чегаралари тўғрисидаги шартнома имзоланганининг тарихий аҳамияти алоҳида қайд этилди.

Сўхбат якунида икки мамлакат ташқи сиёсатида изчилликни сақлаш муҳимлиги алоҳида таъкидланди.

ЎзА

ЎЗБЕКИСТОН ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ГЕРМАНИЯДАГИ УЧРАШУВЛАРИ

Берлин шаҳрида К.Аденауэр номидаги жамғарма академиясида Германия парламенти, Федерал ташқи ишлар вазирлиги, тадқиқот ва академик доиралар, бизнес ҳамжамияти, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида “Ўзбекистон туб ўзгаришлар жараёнида. Ислохотлар сиёсати: қутилиётган натижалар ва истиқболлар” мавзусида давра сўхбати бўлиб ўтди.

Тадбир мамлакатимизнинг Берлиндаги элчихонаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти, Халқаро тадқиқотлар ахборот-таҳлил маркази, “Тараққиёт стратегияси” маркази, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети вакиллари билан иборат делегациянинг Германия Федератив Республикасига ташрифи доирасида ташкил этилди.

“Тараққиёт стратегияси” маркази матбуот хизматидан хабар беришларича, давра сўхбатининг асосий мақсади ГФРнинг сиёсий, эксперт ва ижтимоий доираларига 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишни бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширилиш жараёни, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ташқи сиёсатга доир ташаббусларини етказиш, шунингдек, Ўзбекистон ва Гер-

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИ, БУЮК ДАВЛАТ ВА СИЁСАТ АРБОБИ ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ КАРИМОВ ТАВАЛЛУДИНИНГ 80 ЙИЛЛИГИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти, буюк давлат ва сиёсат арбоби Ислон Абдуғаниевич Каримовнинг она Ватанимиз мустақиллиги, эл-юртимиз равнақи йўлидаги улкан тарихий хизматларини инобатга олиб ҳамда у кишининг хотирасини абадийлаштириш бўйича бошланган ишларни давом эттириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Фанлар академияси, Бадий академия, Ёзувчилар уюшмаси, Ислон Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуаси, Ислон Каримов номидаги Республика хайрия жамоат фонди, Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳамда кенг жамоатчилиқнинг Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш (кейинги ўринларда юбилей тадбирлари деб аталади) тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримов таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш бўйича ташкилий кўмита (кейинги ўринларда Ташкилий кўмита деб аталади) таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ташкилий кўмита ушбу санани нишонлаш бўйича тадбирлар режасини икки ҳафта муддатда ишлаб чиқсин.

Тадбирлар режасида қуйидагилар назарда тутилсин:

2018 йил январь ойида Самарқанд шаҳрида Ислон Каримов хотирасига атаб бўнёд этилган мақбара мажмуасини очиш;

Қарши шаҳрида Ислон Каримов хотирасига бағишлаб ҳайкал ўрнатиш ва тантанали очилиш маросимини ўтказиш;

“Ўзбеккино” Миллий агентлиги томонидан Ислон Каримов ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳужжатли фильм яратиш;

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан “Ўзбекистон” нашриёт-матбаа ижодий уйида “Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Абдуғаниевич Каримов фаолияти хроникаси (солнома)” китобини, “Маънавият” нашриётида Ислон Каримовнинг “Ёшлар бугунги ва эртанги ҳаётиимизнинг ҳал қилувчи кучидир”, “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарларини, шунингдек, “Президентга мактублар” китобини нашр этиш ҳамда белгиланган тартибда таълим масканлари, ахборот-ресурс марказлари, маданий-маърифий муассасалар ва маҳаллаларга етказиш;

Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ёзувчилар уюшмаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ислон Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуаси, Ислон Каримов номидаги Республика хайрия жа-

моат фонди билан биргаликда “Ислон Каримов – Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг асосчиси” мавзусида халқаро илмий конференция ўтказиш;

2018 йилнинг I чорагида “Ислон Каримов хотирасига бағишланган энг яхши илмий-оммабоп мақола” танловини яқунлаш ва унинг ғолибларини тақдирлаш;

таълим муассасалари, ҳарбий қисмлар, меҳнат жамоалари ва маҳаллаларда таниқли адиб ва олимлар, турли соҳа мутахассислари иштирокида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти хотирасига бағишланган учрашувлар ташкил этиш.

4. Ислон Каримов номидаги Республика хайрия жамоат фонди томонидан “Ислон Каримов – мустақил Ўзбекистон асосчиси” китоб-альбоми нашрга тайёрлангани маълумот учун қабул қилинсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги юбилей тадбирларида хорижий меҳмонлар, олимлар ва экспертлар иштирокини таъминлашда ҳамда уларга республикага кириш визаларининг консуллик ва бошқа йигимлар ундирилмасдан расмийлаштирилишида амалий ёрдам кўрсатсин.

6. “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси, “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти юбилей тадбирларига таклиф этилган хорижий меҳмонлар учун республика ички қатновларига йўл чипталарини банд қилиш ва сотиб олиш, уларни мамлакатимиздаги халқаро аэропорт ва темир йўл вокзалларининг VIP заллари орқали кутиб олиш ва кузатишни таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги юбилей тадбирларини ўз вақтида ва уюшқоқлик билан ўтказиш учун зарур маблағ ажратсин.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ушбу қарорнинг 3-бандида назарда тутилган юбилей тадбирларини ўтказиш бўйича зарур ташкилий чора-тадбирларни икки ҳафта муддатда ишлаб чиқсин ва уларнинг ўз вақтида амалга оширилишини таъминласин.

9. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва бошқа оммавий ахборот воситаларига юбилей билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2017 йил 27 ноябрь

мания ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтиришга оид таклифларни ишлаб чиқшдан иборат бўлган.

К.Аденауэр жамғармаси бошқармаси аъзоси Бетина Аденауэр Ўзбекистонда Ҳаракатлар стратегияси қабул қилинганини ижобий баҳолади. Президент Шавкат Мирзиёев танлаган жадал ва барқарор ривожланишга қаратилган сиёсат Германия томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани, Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат ва очик фуқаролик жамияти, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти асосларини янада мустақамлаш, мамлакатнинг халқаро майдондаги мавқеини янада оширишда муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлади.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар биринчи навбатда халқ манфаатларига йўналтирилгани қайд этилди. Давлат бошқаруви тизимини оптималлаштириш, коррупцияга қарши курашиш, аҳолининг давлат томонидан тақдим этилаётган ахборот хизматларидан фойдаланишини енгиллаштиришга қаратилган Маъмурий ислохотлар концепцияси юксак баҳоланди ва қатъий қўллаб-қувватланди.

(Давоми 2-бетда)

**24 декабрь – Тошкент шаҳар халқ депутатлари
туман Кенгашларига сайлов кўни**

Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайловолди ташвиқоти давом этмоқда.

**ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ
БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИНИНГ
САЙЛОВГА ТАЙЁРГАРЛИГИ ВА
ДАСТУРИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ
БИЛАН ГАЗЕТАМИЗНИНГ 2-САҲИФАСИДА
ТАНИШАСИЗ.**

XXI саҳоси
ХАСР
Барча манбаалардан олинган суҳбат хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Бухорода “Абу Али ибн Сино илмий ва маданий меросининг аҳамияти ҳамда унинг илм-фан тараққиётига таъсири” мавзусида IX Халқаро Ибн Сино ўқишлари илмий-амалий анжумани ўтказилди. Ушбу нуфузли халқаро тадбирда АҚШ, Буюк Британия, Франция, Исроил, Ҳиндистон, Япония, Россия, Туркия ва Қозоғистондан таниқли олимлар иштирок этди.

● Самарқандда вилоят меҳнаткашларининг жорий йил кишлоқ хўжалик мавсуми якунларига бағишланган “Ҳосил байрами” тадбирлари ўтказилди. Самарқанд эшак эшиш канали ҳудудида халқ сайли сифатида ташкил этилган байрамда вилоятнинг барча туман ва шаҳарларидан деҳқон ва фермерлар, чорвадор ва боғбонлар, кишлоқ хўжалик корхоналари вакиллари, дала заҳматкашларига камарбаста бўлган ҳашарчилар, юртимизнинг бошқа ҳудудларидан келган меҳмонлар иштирок этди.

● Ангренда маъмурий ва жиноят ишлари бўйича шаҳар судларининг янги биноси фойдаланишга топширилди. Замонавий ва мухташам суд биносида “Бойсун омад қурилиш” масъулияти чекланган жамияти қурувчилари томонидан 3 миллиард сўмликдан зиёд қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Бинода маъмурий ва жиноят ишлари бўйича судлар учун мўлжалланган алоҳида 3 та суд зали, ходимлар ва фуқароларни қабул қилиш хоналари мавжуд.

● Гулистонда Зулфия номидаги Давлат мукофотида номзодлар кўрик-танловининг Сирдарё вилояти босқичи бўлиб ўтди. Танловнинг туман ва шаҳар босқичларида ғолиб бўлган 65 киз адабиёт, фан, таълим, санъат ва маданият йўналишларида ўз маҳоратини яна бир бор синовдан ўтказди.

● Жиззахда хотин-кизларни хунармандликка кенг жалб этишга бағишланган “Мамлакатни иқтисодий ривожлантиришда менинг ўрним” мавзусида тадбир ўтказилди. Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Жиззах вилояти кенгаши, “Тадбиркор аёл” Ўзбекистон ишбилармон аёллар уюшмаси, “Хунарманд” уюшмаси вилоят бўлими ва ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда халқ усталари, хунармандлар, мусаввирлар ва ёшлар иштирок этди.

ЖАҲОНДА

● Франция терма жамоаси бельгиялик спортчиларни мағлуб этган ҳолда теннис бўйича дунёдаги энг нуфузли мусобақалардан бири ҳисобланмиш Дэвис кубогини қўлга киритди. Французлар бундай муваффақиятини ўн олти йилдан бери қўтисаётган эди.

● Индонезиянинг Бали оролида отилаётган Агунг вулканига энг юқори тўртинчи хавфлилик даражаси берилди. Ушбу вулконнинг жуда баландга отилиб, самолётларнинг парвозига хавф туғдираётгани боис Австралия, Малайзия ва бошқа қатор давлатлар миллий авиакомпанияларининг ушбу ҳудуддан учиб ўтадиган юзлаб ҳаво рейслари бекор қилинди. Ҳозирда бу ерда эвакуация ишлари давом этмоқда.

● Испаниянинг Тенерифе оролидаги кўнгилочар клублардан бирида полнинг тўсатдан ўпирилиб кетиши натижасида қирқ киши ҳуқуқ ертўлага тушиб кетди. Улардан йигирма икки нафари жароҳатланиб касалхонага ётқизилган, иккитасининг аҳволи жуда оғирлиги қайд этилмоқда.



24 декабрь – Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов куни

МАҲАЛЛАНИ ХАЛҚНИНГ ЧИНАКАМ МАСЛАҚДОШИ ВА КЎМАҚДОШИГА АЙЛАНТИРАМИЗ!

Мамлакатимизда кўламини ҳаётдан ғоят кенг ва моҳиятан инсонпарвар ислохотлар, янгиланиш ва улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Асрларга татигулик бундай ўзгаришлар, аввало, инсон ва унинг манфаатларини ифода этмоқда. Бу ўзгаришлар халқимизнинг азалий қадриятларини ҳамда анъаналарини тиклаш ва ривожлантиришга, миллий гуруҳ ва қадр-қимматини юксалтиришга хизмат қилиши билан муҳим аҳамият касб этади.

Бугун ана шу жараёнларнинг фаол иштирокчиси сифатида фуқаролар йиғинлари зиммасига юклатилган масъулият жуда залворли. Фуқаролик жамияти институтлари ўртасида муносиб ўринга эга, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга катта ҳисса қўшаётган тизим — маҳалла фуқаролар йиғинларидан ҳам халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига номзодлар кўрсатилаётгани маҳаллани халқнинг чинакам маслақдоши ва кўмақдошига айлантиришга хизмат қилади.

Жорий йилнинг 24 декабрь куни Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловларда тўртта сиёсий партия қатори маҳаллалардан ҳам 330 нафар номзод кўрсатилди. Номзодлар шу йилнинг 3 февраль куни қабул қилинган "Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент Фармонида белгиланган бериладиган устувор вазифалардан келиб чиқиб ўзларининг Сайловолди дастурларини ишлаб чиқишган.

Маҳалла асрлар оша ранг-баранг турмуш тарзи, дин, мафкура, турли ғоялар қозонида қайнаган, ҳаёт синовларидан ўтган донишманд ўзбек халқи учун таянч ва суянч бўлган бебаҳо қадриятдир. Тарихнинг энг кескин даврларида ҳам сақланиб қолиб, кишилар ишончини қозongan, шарқона жамоатчилик нуктаи-назарини ифода этган ўзини ўзи бошқариш тизимидир. Бошқача айтганда, маҳалла — бу азалдан мавжуд бўлган ва шу кунгача ҳам сақланиб қолган ўзини ўзи бошқарувчи ижтимоий ташкилотнинг ноёб шакли.

Юртимизда кучли фуқаролик жамияти шаклланиб бораётган бир пайтда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти самарадорлигини янада оширишни даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Чунки бугунги кунда мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида жойлардаги долзарб ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этишда маҳалланинг ўрни ва аҳамияти тобора ортиб борапти.

Фуқаролар йиғинлари ўз ваколатлари доирасида кам таъминланган, эҳтиёжманд фуқароларга кўмақдош, оилавий бизнесни ривожлантириш маркази ҳамда давлат бошқарув органлари устидан жамоатчилик назоратини ўрнатган идора сифатида фаолият юритишини таъминлаш учун, аввало, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш зарур.

Худуднинг ўзига хос хусусиятлари, шароит ва имкониятларидан келиб чиқиб, ижтимоий-иқтисодий ривожлан-

тириш, аҳоли турмуш даражасини ошириш, оилаларни мустаҳкамлаш ва ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш каби жамият ҳаётининг барча жабҳаларини қамраб олган юмушлар маҳалла фуқаролар йиғинлари иштирокида бажарилаётганини инобатга олсак, юқоридagi фикрларнинг нечоғлиқ муҳим аҳамиятга эга эканини англаш мумкин.

Маҳаллалардан кўйилган номзодларнинг Сайловолди дастурларида худудлар инфратузилмасини янада ривожлантириш масаласи ҳам алоҳида ўрин олган.

Пойтахтимизда қад рўстлаётган маҳалла гузарлари халқимизнинг бунёдкорлик салоҳиятидан, эртанги кунга бўлган ишончидан далолатдир. Тошкент шаҳрида 505 та маҳалла фаолият юритаётган бўлса, Президентимизнинг "Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида асосан, 2017-2021 йиллар давомида уларнинг барчаси учун замонавий гузарлар қурилади.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида ўндан зиёд маҳалланинг гузарлари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Замонавий меъморчилик андозалари асосида бунёд этилаётган маҳалла идораларининг яна бир қулайлик томони шундаки, унда раис, масъул котиб, йиғиннинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, "Маҳалла посбони" жамоатчилик тузилмаси сардори ҳамда милиция таянч пункти, тиббиёт мажмуаси, банк ва бошқа ташкилотлар фаолият олиб боради. Бу эса, аҳолига қўшимча қулайликлар яратиш билан бирга, худудда соғлом турмуш тарзини қарор топтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Маҳалла фуқаролар йиғинлари ўзини ўзи бошқаришнинг чинакам халқона институти сифатида жамиятимиздан мустаҳкам ўрин эгаллаган. Бу халқ билан мулоқот қилиш ва инсон манфаатларини таъминлашга қаратилган эзгу вазифаларни амалга оширишда муҳим аҳамият касб этаётди.

Давлатимиз томонидан маҳаллаларнинг ўз зиммасидаги вазифаларни самарали бажариши учун ҳуқуқий асослар билан бирга, етарли шарт-шароитлар ҳам яратилмоқда. Юнусобод туманидаги Увайсий номидаги маҳалланинг янгидан бунёд этилган Маркази бу борадаги ишларга ёрқин мисолдир.

Маҳалла худудиди асосан кўп қаватли уйлар жойлашган. Ушбу турар жойларда яшайдиган 5 минг 400 дан ортиқ аҳоли орасида турли миллат вакиллари бор. Янги маҳалла маркази одамларни ўзаро яқинлаштиришга, халқимизга хос дўстлик, ҳамжихатлик, меҳр-оқибат фазилат-

ларини янада кучайтиришга хизмат қилмоқда.

Марказда маҳалла раиси, масъул котиб ва маслаҳатчилар, профилактика инспектори учун алоҳида хоналар қурилган, улар замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, мебель жиҳозлари, тегишли адабиётлар билан таъминланган.

Профилактика инспектори хонаси маҳалла худудидидаги жамоат объектларида ўрнатилган видеокузатув ускуналари орқали худудни назорат қилиб туриш имкониятини берувчи монитор билан жиҳозланган.

Профилактика инспектори маҳалладаги ҳар бир хонадон билан яқин мулоқот ўрнатиши, кўчалар ва жамоат жойларини қатъий назоратга олиши зарур. Одамлар ишга кетаётганда ҳам, ишдан қайтаётганда ҳам ўз маҳалласида, аввало, профилактика инспектори ва посбонларни кўрса, кўнгли тинч-хотиржам бўлади.

Маҳалла гузаридида барпо этилган турли китоблар, компьютерлар ва интернет, минглаб электрон адабиётлар базасига эга кутубхона аҳолининг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, айнаса, ёшлар ўртасида китобхонлик маданиятини кенг ёйишда айнаи мўлдоо бўлмоқда.

Кўркам чойхона, новвойхона, "Ўзгаллик салонлари", дўконлар, спорт ва болалар майдончалари одамларнинг зарур эҳтиёжларини қондириш билан бирга, худуддаги маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Маҳалла аҳоли бир оиладек мустаҳкам ришталар билан ўзаро узвий боғланиши керак. Бунинг учун маҳалла фаоллари, профилактика инспектори ҳар бир оила аҳолидан, қувончу ташвишидан доимо хабардор бўлиши, ўзаро аҳли ва ҳамжихатлик тарғиботчисига айланиши лозим. Шундагина одамлар маҳаллага келиб ўз фикрини, тақдирини, дардини бемалол айтади, муаммосига ечим топади.

Пойтахтимизда мана шундай маҳалла марказларини қўллайтириш, уларда аҳоли билан доимий мулоқот ўрнатиш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликлар содир этилишига йўл қўймайлик, фуқаролар оқсоқиллиги ва хавфсизлигини таъминлаш, вояга етмаганлар билан самарали ишлаш лозим.

Биз улкан ўзгаришлар, оламшумул янгиланишлар даврида яшамокдамиз. Тошкентни бугун нафақат ватандошларимиз, балки ўзқ-қўндин ташриф буюраётган хорижликлар ҳам озода, кўркам, гўзал шаҳар сифатида таърифламоқда.

Аммо маҳаллаларимизнинг ички кўчалари, ҳовлиларида атрофдаги тозалик, ободончилик ҳақида бундай дея олмаймиз. Ота-боболаримиздан қолган чиройли уйдумларни қаёққа йўқолатти? Қани маҳалла-қўй? Қани кўпни кўрган нуронийларимиз?

Ҳаммаиз маҳалла фуқаросимиз. Барчамизни ташвишга солаётган масалаларни ҳамжихатликда бартараф этишимиз зарур.

Ўрганиш ҳақиқатда ночор оилаларга манзилли кўмаклашиш, уларни оёққа туриб олишларига туртки беришда

ҳамжихатлик йўқлигини кўрсатмоқда. Бу ўринда маҳалла-қўй, шу худудда истикомат қилаётган кишилар, қолаверса, тадбиркорларнинг лоқайд ва бепарво бўлаётгани, афсуски, айнаи ҳақиқат.

Биз учун оилавий ажримлар, ўз жонига қасд қилишларнинг замирида турган сабаблардан бири бўлган етишмовчилик, жамиятга қўшили олмаслик каби ички кемтикликни йўқотишдан муҳимроқ вазифа борми? Жамиятга ҳеч қимга керак эмаслигини ҳис этган одамдан қар нарсани қуттиш мумкин.

Бугун турли жиноятларнинг кўпайиб бораётганлиги, оилавий нотинчликларни фақат ўша одамларнинггина муаммоси деб қарасак, хато қиламиз. Бундай оилаларнинг кўнгли ярим бўлиб ўсаётган фарзандлари ҳам эртага биз яшайдиган шу умумий оилада истикомат қилади, уларнинг қалбидида норозилик, атрофдагиларга нафрат туғуси жамиятга юк бўлиши турган гап!

Фарзандларимиз онгига оиланинг шарафли юкини кўтариш йиғилтик ори экани, қизларимизга оиланинг бекаси бўлишдек бахтининг бебаҳолигини сингдирайлик. Тўй-ҳашамларимиздаги ақлга сизмас дабдалару исрофгарчиликларга чек қўйايлик.

Бизга зимдан қора ният билан қараб турган ғаламислар борлигини, тинч ва осуда ҳаётни асраб-авайлаш ҳар биримизнинг бурчимиз эканлигини унутмайлик. Қарерда бефарқлик бўлса, ўша ерда жиноят кўпаяди. Ён-атрофимиздаги турли ноқўя, ноконуний ишлардан огоҳ бўлиб, уларни бартараф этишга дахлдорлик ҳисси билан ёндашайлик.

Таълим муассасаларидаги давоматни жамоатчилик назорати остига олсак, бу билан кўплаб хавотирга сабаб бўлуви омиллари йўққа чиқарган бўламиз.

Айрим фуқароларимиз томонидан фойдаланилаётган табиий газ, электр қуввати каби коммунал хизматлар учун сурункали равишда ҳақ тўламай келаётганлиги шакшубхасиз умумхалқ мулкига хиёнатдир. Уларга мавжуд қонун-қоидаларга бўйсунуш ўз ҳаётимиз фаровонлигига хизмат қилишни қатъий тарзда етказиб қўйишнинг аллақандақ фурсати етди.

Тошкент, унинг ҳар бир гўшаси, ҳар бир томчи суви, ҳар бир қисим тупроғи сизу бизники — ҳаммамизники! Инсон қалби айнан покиза тўйғулар билан ҳаммаҳанг яшаса, жамиятга одамларнинг ёруғ орзулари, кўнгли тубидаги эзгу тилаклари амалга ошар экан.

Ватан ва халқ манфаати, Тошкентдек бетакрор, гўзал ва мафтункор она шаҳримизнинг нурафонон келажагига ҳар биримиз ўз ҳиссамизни қўйишимиз учун энг муносиб номзодларни сайлайлик.

ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИДАН КЎРСАТИЛГАН НОМЗОДЛАРГА ОВОЗ БЕРИНГ!

МАҲАЛЛАНИ ТИНЧЛИК-ОСОЙИШТАЛИК, МЕҲРОҚИБАТ, ТАРБИЯ МАСКАНИГА АЙЛАНТИРАЙЛИК!

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари

ЎЗБЕКИСТОН ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ГЕРМАНИЯДАГИ УЧРАШУВЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мамлакатимизда маъмурий адлия тизимини жорий этиш, суд ҳокимиятининг эркинлиги ва мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, ички ишлар органларини профессионал хизматга айлантириш бўйича қабул қилинган қарорлар мезбонларда алоҳида қизиқиш уйғотди.

ГФР Бундестаги депутати Кристиан Хирте Президент Шавкат Мирзиёевнинг давлат органлари фаолиятининг транспарентлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, фуқароларнинг жамоат ва давлат ишларини бошқариш ҳуқуқлари кафолатини мустаҳкамлашга қаратилган сиёсати ўта муҳим эканини таъкидлади.

Германия иқтисодиёти Шарқий қўмитасининг Марказий Осиё бўйича минтақавий директори Эдуард Кинсбрунернинг таъкидлашича, Германия бизнес ҳамжамияти Жаҳон банки томонидан хорижий валюта бозорини эркинлаштириш, мулкчилик ҳуқуқларини таъминлаш, рақобат муҳитини яратиш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, давлат-хусусий шерикчилигини ривожлантириш, шунингдек, минтақавий ҳамкорлиқни кенгайтириш бўйича жадал иқтисодий ислохотлар олиб бораётган давлатлар ўнталлигига киритилган Ўзбекистоннинг бу борадаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлайди. Бу Ўзбекистон ва ГФР ўртасидаги савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлиқни янада мустаҳкамлаш учун қулай шароит яратмоқда.

ГФР Бундестаги депутати, парламент фракцияси аъзоси доктор Йоахим Пфайфер Германия бизнес ҳамжамиятининг Ўзбекистон иқтисодиётининг асосий тармоқлари, авваломбор, муқобил энергетика ва халқ ҳўжалиги энергия самарадорлигини ошириш каби истиқболли соҳаларини модернизация қилиш бўйича қўшма лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга бўлган қизиқиши тобора ортиб бораётганини қайд этди.

Германиялик экспертларнинг фикрича, ўзаро муносабатларда улкан, аммо ҳали фойдаланилмаётган салоҳият мавжуд. Ўзбекистонга етакчи немис компанияларнинг замонавий технологиялари ва сармояларини жалб қилиш, таълим ва кадрларни тайёрлаш, соғлиқни сақлаш ва туризм соҳаларида яқин кооперация алоқаларини ривожлантириш

ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг устувор йўналишлари сифатида қайд этилди.

Тадбир доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан БМТ шафелигида жорий йил 10-11 ноябрь кунлари Самарқанд шаҳрида ўтказилган юқори даражадаги халқаро анжуманнинг ақунари тақдироти бўлиб ўтди.

Германиялик экспертларнинг фикрича, Ўзбекистоннинг бугунги ташқи сиёсати минтақавий ҳамкорлиқни кенгайтириш, Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарор тараққиётни таъминлаш учун муҳим асос ҳисобланади.

Марказий Осиё ва Кавказ бўйича мустақил журналист ва эксперт Биргит Ветцелнинг фикрича, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг сиёсий иродаси ва фаол саъй-ҳаракатлари туфайли минтақада янги сиёсий муҳит шаклланиб, бу бир томондан яхши қўшничилик ва барқарор тараққиётни мустаҳкамлаш, иккинчи томондан эса Фарбий Европа мамлакатлари сайёҳлари, ишбилармонлари ва жамоатчилик вакиллари Марказий Осиёга қизиқишини оширишга хизмат қилади.

Ўзбекистон делегацияси ташриф дастурига биноан Федерал Канцлер, Федерал Президент, Бундестаг, ташқи ишлар, иқтисодиёт ва энергетика, иқтисодий тараққиёт ва жамғарма федерал вазирликлари, Шарқий Европа ва халқаро тадқиқотлар маркази, Германия ташқи сиёсат жамғармаси идораларида музокаралар ўтказди.

Музокаралар ақунари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақаларо тадқиқотлар институти ҳамда Халқаро тадқиқотлар ахборот-таҳлил маркази томонидан К.Аденгауз номидаги жамғарма, Ф.Эберт номидаги жамғарма, Кавказ ва Каспий тадқиқотлари Европа институти каби қатор нуфузли тадқиқот муассасалари билан ҳамкорлик тўғрисида меморандумлар имзоланди.

Ташриф ақунада Ўзбекистон Республикасининг Берлин шаҳридаги элчихонасида Германия оммавий ахборот воеиталари вакиллари учун брифинг ўтказилди.

Б.БОЗОРОВ,
ЎЗА мухбири

Мамлакатимизда аҳолининг тинч-осойишта ҳаёт кечириши, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш амалга оширилаётган ислохотларнинг бош мезонидир. Куни кеча давлатимиз раҳбари раислигида мамлакатимизда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасида белгиланган вазифалар ижроси, бу борада мавжуд муаммолар ва уларни ҳал этиш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида ҳам соҳада олиб борилаётган ишлар таҳлилий ва танқидий кўриб чиқилди.

ТИНЧЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИК — ФАРОВОН ҲАЁТ ОМИЛИ

Маълумки, Ҳаракатлар стратегиясида жиноятчиликка қарши курашиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва коррупцияга қарши курашишнинг ташкилий ҳуқуқий механизмининг такомиллаштириш каби бир қатор устувор вазифалар белгиланган. Уларнинг ижроси юзасидан жорий йилда "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги, "Болаларни уларнинг соғлиқига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунлар билан бир қаторда Президентимизнинг "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори қабул қилиниб, кенг жамоатчиликка етказилди.

Таъкидлаш жоиз, Президентимизнинг бевосита ташаббуси билан аҳолининг фаровон ҳаётини янада яхшилаш, уларга кенг имкониятлар яратиш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Натижада, юртимизда жорий йилнинг 10 ойи мобайнида умумий жиноятлар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 14 фоизга, шундан талончилик 16 фоизга, боқинчилик — 19 фоизга, қотиллик — 21 фоизга, товланмачилик — 22 фоизга, безорилик — 34 фоизга камайишига эришилди. Шунингдек, аёллар ўртасида жиноят содир этиш ҳолатлари 16 фоизга, ёшлар ўртасида 14 фоизга, вояга етмаганлар ўртасида 17 фоизга камайди. Бу албатта, олиб борилаётган ислохотларнинг ҳаётимизга кенг татбиқ этилаётганидан далолат.

Биз депутатлар жойларда аҳоли билан мулоқотларимиз, фуқаролар хонадонларига ташрифимиз чоғида ҳам жиноятлар содир этиш ҳолатлари камайиб бораётганига бевосита гувоҳ бўлмоқдамиз. Давлатимиз раҳбари энг катта куч — бу жамоатчилик эканига эътибор қаратди. Дарҳақиқат, аҳоли тинчлиги ва осойишталигига айнаган жамоатчилик, яъни, маҳалла, ўқув муассасалари фаолияти муҳим саналлади. Шу маънода, улар томонидан олиб борилаётган жиноятчиликнинг олдини олиш борасидаги чора-тадбирларни кучайтириш, профилактика инспекторлари билан ҳамкорлигини кучайтиришнинг даврининг ўзи тақозо этмоқда.

Бундан ташқари Бош қомусимизда "инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият" экани белгиланган. Шу боис, ўтган давр мобайнида мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга доир 8 та конституциявий қонун, 16 та кодекс ва 600 дан ортиқ қонун қабул қилинди. Бу каби қонун ҳужжатлари инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Жорий йилнинг юртимизда "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" деб эълон қилиниши муносабати билан аҳоли билан доимий мулоқот ўрнатиш, уларни ўйлантираётган муаммоларни бартараф этиш борасида тизимли ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Шубҳасиз, амалга оширилаётган бу каби ислохотлар аҳоли фаровон турмуш тарзининг янада яхшиланишига олиб келади.

МУХТАБАР ҲУСАНОВА,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати

ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ: ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УСТУВОР ВАЗИФА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитасида Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси Р.Ғуломовнинг Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида"ги қонунини ҳамда жорий йилнинг ўтган даврида давлат мулкни хусусийлаштириш билан боғлиқ дастурларнинг ижроси юзасидан ҳисоботи тингланди.

Ҳисоботда таъкидланганидек, Президентимиз Шавкат Мирзиёев тадбиркорлар учун ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш тизимини йўлга қўйиш, иқтисослашган ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш, шу орқали махсулотлар рақобатбардорлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бугунги кунда давлат хизматлари кўрсатишнинг тўғридан-тўғри замонавий интерактив шакллари жорий этилмоқда, давлат органлари билан ишбилармонлар ўртасида тизимли мулоқот йўлга қўйилган, янги корхоналар ташкил этиш натижасида янги иш ўринлари яратилмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 18 апрелдаги "Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида"ги Фармони бу борада муҳим омили бўлмоқда. Мазкур фармон билан давлат қўмитасининг асосий вазифалари тубдан қайта шаклланди, хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш бўйича янги вазифалар юкланди.

Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида илгари хусусийлаштирилган қарийб 40 минг объект ўрганилди, уларнинг 4 мингта яқини бўш тургани еки тўлиқ ишлаб-тишлаётгани аниқланган. Ушбу объектларнинг 2 минг 700 таси фаолиятини қайта тиклаш, улар негизда янги ишлаб чиқариш қувватлари ташкил этиш бўйича инвестиция лойиҳалари ишлаб чиқилди. Бугунги кунга мазкур лойиҳаларнинг 405 таси ишга туширилиб, 3,7 мингдан ортиқ иш ўрни ташкил этилди. Барча лойиҳалар тўлиқ ишга тушириш билан 25 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилиши кўзда тутилган.

Биргина мисол: Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳрида жойлашган "Surxon sandvich" МЧЖга қарашли бино ташланди ҳолга келиб қолган эди. Олиб бориладиган чора-тадбирлар натижасида бу ерда сандвич панеллари ишлаб чиқариш қайта йўлга қўйилди. Бунинг учун 6,5 миллиард сўм ва 935 минг АҚШ доллари миқдорда инвестиция маблағлари жалб қилинди, 30 иш ўрни яратилди.

Хусусийлаштириш дастурлари ижроси бўйича ҳам тегишли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ҳисоботга кўра, 2015-2017 йилларда жами 1 минг 729 давлат мулки ҳисобланган объектлар реализация қилинган. Уларнинг 1 минг 56 таси "ноль" қийматда тадбиркорларга берилган. Хусусан, жорий йилнинг 9 ойи мобайнида тадбиркорларга ўз бизнесини йўлга қўйиш, янги рақобатбардор махсулотлар ишлаб чиқариш мақсадида 288 объект тақдим этилиб, уларнинг 119 таси ўз фаолиятини бошлаган. Пироваврийда, 3 мингта яқин юрдошимиз иш билан таъминланди.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторни ривожлантириш, мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштиришга доир олиб борилаётган кенг қўламли чора-тадбирларни самарали амалга ошириш мақсадида самарасиз фаолият кўрсатаётган 48 давлат тиббиёт объектини тадбиркорлик субъектларига сотиш, 241 бўш турган давлат объектида мактабгача таълим муассасаларини ташкил этиш кўзда тутилган.

Ҳисоботда келгуси ишлар режаси маълум қилинди. Сенаторлар тақлиф ва мулоҳазаларини билдирди. Тегишли қарор қабул қилинди.

Улуғбек АСРОРОВ,
ЎЗА мухбири



Конституциямиз ҳалқимиз хоҳиш-ирода-сини бир ҳужжатга жамлаган, уйғулашти-радиган муҳим манба десак ҳам муболага бўлмайди. Одатда кўп давлатлар Конститу-циялари нуфузли экспертлар, депутатлар томонидан ишлаб чиқилиб, сўнгра парла-ментда қабул қилинади. Бундай ҳужжатлар мутахассис нуктаи назаридан юқори баҳо-ларга сазовор бўлса-да, унда ҳалқчиллик, ҳалқ руҳияти етишмайди. Айрим давлатлар ҳатто ўз Асосий қонунларини референдум-да, ҳалқ иштирокида қабул қилинган билан фахрланишади. Албатта, бу энг олий даражадаги қарор ҳисобланади. Бироқ, бун-дай жараёнда ҳалқ олдида факат икки са-волдан бирига жавоб бериш имконига бўлади: Конституция матнини ё тасдиқлаш ёки рад этиш. Ўзбекистон Конституциясини ўзига ҳослиги шундаки у 2 маротаба ҳалқ муҳокамасида ҳалқимиз хоҳиш-иродаси билан бойитилди. Умумҳалқ муҳокамаси да-вомида Конституция лойиҳаси юзасидан жами 6 мингдан ортиқ тақлиф ва мулоҳаза-лар билдирилган. Фақатгина Конституция-вий комиссияга мингдан зиёд хатлар туш-ган. Тақлиф ва мулоҳазалар Конституция лойиҳасининг ҳамма моддаларига дахлдор бўлиб, матнинг деярли ярмига, яъни лойи-ҳадаги 127 моддадан 60 тасига тузатиш ва аниқликлар киритилган. Дастлабки вариант-дан 4 та модда чиқарилиб, матнга бир неча янги моддалар киритилган.

Ушбу жараёнда иштирок этган мутахас-сисларнинг таъкидлашларича, тақлиф ва мулоҳазаларнинг аксарияти фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчлари, шахс дахлсизлиги, дин-нинг жамиятдаги ўрни ва вазифаси, иқти-содий ҳуқуқлар, жумладан, мулк ҳуқуқи, бозор муносабатлари ва тадбиркорлиқни ривожлантириш, ҳуқуқ-тартибот ва қону-нийликнинг конституциявий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган моддалар, боб-лар ва бўлимларга тааллуқли бўлган.

Қайд этиш жоизки мустақил Ўзбекистон тарихида Конституциямиздек кенг муҳокама бўлган қонун мавжуд эмас. Асосий қону-нимиз нафақат ҳар бир вилоят ва Тошкент ша-ҳрида, вазирилик ва идораларда, балки ҳар бир туман, қорхона, муассаса ва ташкилотларда муҳокама қилинган ҳамда унинг яқинлари те-гишли ҳаёда асосида тақдирлар билан Кон-ституциявий комиссияга тақдим этилган.

Маълумки, давлат ва жамият ҳаётида баъ-зи бир нарсалар бўладикки, у Ватанимиз каби битта бўлади: байроғимиз битта, гер-бимиз битта, мадҳиямиз битта, шу қатори Конституциямиз ҳам битта. Буларнинг ҳар бири ўз тисмолида она Ватанимиз, унинг табиати, ҳалқимизнинг эзгу мақсадларини ўзид ақ эттирди. Шу маънода Конститу-циямиз ҳар бир фуқаро учун байроғимиз, гербимиз, мадҳиямиз каби қадридлир.

Конституциямиз қабул қилинишидан мақ-сад ва вазифаларга эътибор берадиган бўлсак, муқаддимада республика фуқаро-ларининг муносиб ҳаёт кечиришларини таъ-минлашга интилиш, демократик ҳуқуқий дав-лат барпо этиш, фуқаролар тинчлиги ва мил-лий тотувлигини таъминлаш мақсадида Кон-ституция қабул қилинганлиги қайд этилмоқ-

Тарихдан маълумки, мустақилликка эришган ҳар бир халқ ўз тараққиёт йўлини излайди, янги жамият бунёд этишда ўз андозасини ишлаб чиқишга ҳаракат қилади. Шу маънода айнан Конституция миллий давлатга ҳос бўлган ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий, маънавий камолот ва тараққиётга олиб борадиган ўзига ҳос стратегик дастур, “йўл харитаси” вазифасини бажарадиган халқ иродасининг олий ифодасидир.

да. Яъни Конституциямизнинг асосий моҳи-яти инсонга муносиб ҳаёт шароитлари яра-тиш, уни бахтли қилишдан иборат. Консти-туция жамият ва унинг аъзолари олдига ин-сонпарвар демократик ҳуқуқий давлат бар-по этиш мақсадини қўймоқда. Шундай дав-латдагина ҳалқимизнинг муносиб турмуши, ҳуқуқлари ва эркинликлари қафолатланиши, инсоннинг маънавий-ахлоқий баркамолли-ги таъминланиши мумкинлиги таъкидланди. Демократиянинг ана бир исботи шундаки, Конституциямиз “Ўзбекистон халқи” деб бош-ланади. Бундай жумлаларни бошқа бирон бир қонунда учратмаймиз. Бунинг ўзи ҳам халқ ҳокимиятичилигининг ёрқин далолатидир.

Конституциямизнинг ана бир энг муҳим ҳу-сусияти – бу унинг халқ суверенитетини эъти-роф этганлигидир. Асосий қонунимизнинг 7-моддасига асосан халқ давлат ҳокимияти-нинг бирдан бир манбаидир. Асосий қону-нимизда “демократия” ва “демократик” сўзлари 7 марта, “халқ” сўзи 24 марта қўлланган.

Асосий қонунимизда халқ ҳокимиятининг муҳим ифодаси бўлган парламентга бўлган

рак бўлса унинг таянчи ва суянчи бўла ола-диган Конституциямизнинг таъбир жоиз бўлса, энг дуру гавҳарларини эслатиб ўтмоқчиман.

Авалламбор Асосий қонунимиз муқадди-масига кўра биз инсонпарвар давлат қуриш-ни мақсад қилиб олганмиз. Инсонпарварлик деганда лўғатларда инсонга муҳаббат, эъти-бор, ғамхўрлик, инсон шахсига нисбатан ҳур-мат тушунилиши қайд этилган. Шундай экан давлат, унинг органлари, мансабдор шахс-лар фуқаролар билан муносабатларда айнан конституциявий мақсад бўлган инсонпарвар-лик меzonларидан келиб чиқишлари лозим.

Асосий қонунимизда давлат инсон ман-фаатларига хизмат қилиши, унинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя этиши устувор тамойил сифатида аниқ белгилаб қўйилган. Консти-туциямиз асосий принципларига кўра ин-сон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Давлат ўз фаолияти-ни инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб амалга оширади. Мутафаккир Цицерон айтганидек, “*Salus populi - suprema lex*”,

рийатини бажаришни талаб қилиш давлат органининг ваколатига кириди.

Фуқароларнинг Конституция ва қонунлар-да мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркин-ликлари дахлсиздир, улардан суд қарори-сиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас. Ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд ор-қали ҳимоя қилиш, давлат органлари, ман-сабдор шахслар, жамоат бирлашмалари-нинг гайриқонуний ҳатти-ҳаракатлари ус-тидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи қафо-латланади. Бу қоидалар ҳам инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг муҳим қафолати бўлиб, дунё конституцияларининг бебаҳо дурдоналарини ташкил этади. Қадимги рим юристлари айтганидек, “*Justitia nemine neganda est*”, яъни ҳеч кимга одил судлов-га бўлган ҳуқуқ рад этилмаслиги керак, яна шунингдек “*Ab omni iudicio provocari licet*”, яъни ҳар қандай ҳукм, қарор устидан эъти-роз билдириб, мурожаат қилиш мумкин.

Ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга. Қадимги рим юристлари “*Libertas est potestas faciendi id, quod iure licet*”, яъни эркинлик қонун билан таққиланмаган барча ишни қилиш имконияти деганлар.

Ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас. Жиноят содир этганлиқда айб-ланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошқора қўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисоб-ланмайди. Юқоридаги қоидалар ҳам дунё конституцияшунослигининг бебаҳо ҳазина-ларидан ҳисобланади. Қадимги рим юрист-лари “*Nullum crimen, nulla poena sine lege*”, яъни агар қилиш учун жавобгарлик ва жазо қонун билан белгиланмаган бўлса ҳеч ким жавобгарликка, жазога тортилиши мумкин эмас. “*Nihil fit sine ratione sufficienti*”, яъни етарлича асосларсиз ҳеч қандай иш қилин-маслиги керак. Ҳар бир ваколатни амалга ошириш учун етарлича асос бўлиши керак.

Ҳеч ким қийноққа солиниши, зуравон-ликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимма-тини қамситувчи бошқа тарздаги таъйиққа дучор этилиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида ҳам, унинг ташқирисид ҳам ўз фуқарола-рини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уларга ҳомийлик қўратишни қафолатлайди. Дав-лат фуқароларнинг Конституция ва қонун-ларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркин-ликларини таъминлайди.

Юқоридагиларнинг барчаси маърифатли дунёда, айниқса ривожланган демократ-давлатлар таърибасида оддий фуқаролар-нинг давлат органлари билан муносабат-ларида талабнинг асоси, ҳимоя қамқони вазифасини ўтайди.

Қайд этиш жоизки дунёдаги энг риво-жланган давлатлар конституциялари билан беллаша оладиган Конституцияни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш масаланинг бир жи-ҳати. Масаланинг бошқа бир муҳим томи-ни, қабул қилинган ҳужжатни ҳаётимизга са-марали таътиб этиш, унга риоя этмоқ ҳам керак. Бу Конституцияда қўзлаган мақсад-ларимизнинг энг муҳим шартидир. Базид а айрим фуқароларнинг нолишларини эши-тиб қолаемиз. Конституция ва қонунларда юқоридагидек ҳуқуқ ва қафолатлар ўрна-тилгани ҳолда уни ўзимиз ишлатмасак, ҳаётимизда фойдаланмасак, ҳеч ким ташка-ридан келиб бизга бу ишни ўрнимизга қилиб бермайди. Шунинг учун ҳам қадим-қадимдан ҳуқуқшуносликда “*Lex vigilantis, non dormientibus (subvenit)*”, яъни “ҳуқуқ, қонун ҳушёр, огоҳ, ғайратли одамлар учун ёзилди, ғафлатда қолганлар учун эмас. Ким ҳуқуқларидан фойдаланмаса, қўрган зарари учун ўзи айбдор” деган қарашлар мавжуд.

Хулоса қилиб айтганда, Конституция ҳалқимиз хоҳиш-иродасини бир ҳужжатга жамлаган, уйғулаштирган муҳим манба, миллий қонунийликнинг асоси, тарақ-қиётимизнинг ўзига ҳос стратегик дастури, “йўл харитаси”дир.

Мирвазвал МИРАКУЛОВ,
юридик фанлар доктори

Мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритгач, демократик-ҳуқуқий давлат, эркин фуқаролик жамияти қуриш йўлини танлаб, эзгу мақсад сари интилиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг жорий йилнинг январь ойида прокуратура ходимлари қуни арафаси-да ўтказилган учрашувдаги маърузасида фу-қароларнинг ижтимоий ҳимояси, аҳоли банд-лиги ҳамда меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, иқтисодий ислохотларни чўқурлаштириш, қишлоқ ҳўжа-лигида қонунийликни мустаҳкамлаш масала-ларига алоҳида тўхталиб, бу борада қонун ус-туворлигини таъминлаш ва қонунбузилишлар-нинг олдини олишга қаратилган аниқ вази-фалар белгилаб берилди.

ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ БАРЧАНING БУРЧИ

Таъкидлаш жоизки, қўйилган барча вазифа-ларнинг негизи бўлиб, энг аввало, инсон ҳуқуқлари ҳимоясининг қафолатларини сўзсиз таъминлаш, қонун ҳамда адолат устуворлиги-ни қарор топтириш ҳисобланади.

Шу боис биздан ушбу масъулиятли вазифа-ларни бажариш учун ўз ваколатларимиз, би-лимимиз, таърибамиз ва бор имкониятлар-имизни тўлиқ сафарбар этиш, бунда асосий эътиборни ҳуқуқбузарликларни барвақт аниқ-лаш ҳамда олдини олишга қаратиш ва бу бо-рада бир қанча вазифаларни амалга ошириш, ҳуқуқий механизмни ҳам такомиллаштириш та-лаб этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 7 февралда-ги Фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини риво-жлантиришнинг бешта устувор йўналишининг ик-кинчи йўналишида ҳам “жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштиришнинг самарадорлигини ошириш” масалаларига тўхталиб ўтилган.

Биргина Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилак-тикаси тўғрисида”ги Қонуннинг 4-моддасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг асосий вазифалари этиб қўйидагилар: шахснинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфа-атлари ҳимоя қилинишини таъминлаш; жами-ятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юк-салтириш, қонунийликни мустаҳкамлаш; ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаб-ларини ва уларга имкон бераётган шарт-ша-роитларни аниқлаш, ўрганиш, бартараф этиш чора-тадбирларини қўриш; ҳуқуқбузарликдан жабрланувчиларни, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир эт-ган, шу жумладан илгари судланган ва озод-ликдан маҳрум этиш жойларидан озод қилин-ган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш; жисмоний шахс-ларнинг ҳуқуқбузарликдан жабрланувчига ай-ланиши ҳавфини камайтириш; ҳуқуқбузарлик-лар профилактикасини бевосита амалга оши-рувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасалар фаолиятининг ўзаро ҳамкорли-гини таъминлаш ва уларнинг фаолиятини му-вофиқлаштириш қабилаб белгилаб берилди.

Бундан ташқари, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 14 мартдаги “Ҳуқуқбу-зарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаш-тириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори-нинг мақсади ҳам ҳуқуқбузарликлар профи-лактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича фаолиятни мувофиқлаштиришнинг таъ-сирчан тизимини яратиш, қонун бузилишлари-нинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш-нинг замонавий ташкилий-ҳуқуқий механизм-ларини жорий этишдир. Қарорга мувофиқ жа-моатчилик назоратини кучайтириш, фуқаролар-нинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқа-ролик жамиятининг бошқа институтлари билан тўғридан-тўғри ҳамкорлиқни йўлга қўйиш дав-лат идоралари ва ташкилотлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири сифатида бел-гилаб қўйилган.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, ҳуқуқбузар-ликларнинг олдини олиш ҳар биримизнинг ва-зифамиз ҳисобланиб, бу борада бир қанча ва-зифаларни ҳам амалга ошириш лозим. Жум-ладан, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва унга қарши курашда фаолият олиб борувчи субъектлар самарали фаолият олиб боришлар-и: ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш фао-лиятининг тўғри ташкил этилиши; уларнинг ва-зифалари аниқ белгилаб қўйилиши; улар бил-лан бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларининг хизматлари ва жамоатчилик ҳамкорлигининг самарали таъминланиши ло-зим.

Икром ҚАЮМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги
Юристар малакасини ошириш
маркази тингловчиси

ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАР ОЛИНДИ

Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармасида соҳа масъуллари, Тошкент шаҳар прокуратураси, Ички ишлар бош бошқармаси ҳамда “Маҳалла” хайрия жамғармаси туман раислари иштирокида кенгайтирилган йиғилиш бўлиб ўтди.

Уни Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармаси бошлиғи Музаффар Пардаев олиб борди.

Йиғилишда 2017 йил 15 ноябрь куни Президентимиз раисли-гида ўтказилган видеоселекторда мамлакатимизда ҳуқуқбузар-ликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бо-расида белгиланган вазифалар ижроси, бу борада учраётган муаммоларни ҳал этиш масалалари қўриб чиқилди.

Таъкидландики, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ҳар бир туманда тузилган сектор раҳбарлари жиноятчилик ҳола-ти учун ҳам шахсан жавоб бериши, улар қайси соҳада ишлаши-дан қатъи назар атрофида бўлаётган воқеаларга беварқ бўлмас-лиги лозим.

Йиғилишда Тошкент шаҳри бўйича белгиланган тартибда дав-лат нотариал идоралари орқали шартнома тузмасдан уй-жойла-рини ижарага бериш ҳолатлари учраётгани, бу эса ўз навбати-да ижара шартномасидан бюджетга йўналтириладиган маблаг-лар йўқотилаётганлиги, шунингдек, ижарага олувчи фуқаролар-нинг шахсини аниқлашдаги муаммолар танқидий қўриб чиқи-либ, тегишли тадбирлар белгиланди.

Яна бир масала бу жисмоний шахсларнинг мол-мулк ва ер солиқларини ўтган йиллардан буён тўланмасдан қолingan солиқ қарзини ундирилишидаги олиб борилаётган ишларда учраётган камчиликлардир.

Хусусан, жорий йилнинг бугунги кун ҳолатига кўра 90 мин 149 та жисмоний шахсларнинг 9,9 млрд. сўм солиқ қарздорлиги ундирилмасдан қолинаётганлиги сабаблари танқид остига оли-ниб, тегишли чоралар қўрилиши белгиланди.

Тадбирда солиқ органи ходимларининг ўзига юклатилган ва-зифаларни тўлақонли адо этиб келаётган қатор участка солиқ инспекторлари, маҳаллий йиғимларни ундирилишида ҳамкор-ликда ўзининг хиссасини қўшиб келаётган ички ишлар ва ма-ҳалла раисларига эсдалик совғалари топирилди.

Зокиржон ШАРИФЖОНОВ

Бугунги кунда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг дарду ташвишларини эшитиш, мавжуд муаммоларини ўз вақтида ҳал этиш давлатимиз сиёсатининг устувор вазифаларидан бирига айланган.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Президентимиз таъкидлаганларидек, “Халқ давлат идора-ларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилиши ло-зим”, деган гоя асосида иш олиб боришмоқда.

Мамлакатимизда инсон шаъни, қадр-қиммати, унинг ҳақ-ҳуқуқлари, эркинлиги ва шахсий ҳаётининг барча нарсас-дан устун қўйилди. Бу бош қомусимиз – Ўзбекистон Рес-публикаси Конституциясида ўз аксини топган.

Бош қонунимизда Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, irqи, миллати, тили, дини, иқтисодий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва иқтисодий мақоидан қатъи назар, қонун олдида тенг эканлиги эътиб қўйилган.

Яқинда Конституциямиз қабул қилинганлигининг 25 йил-лиги кенг нишонланади. Шу муносабат билан юртимизнинг барча ҳудудларидаги қорхона ва ташкилотлар, таълим муас-сасаларида давра сўхбатлари, учрашув ва семинарлар ўтқа-зилмоқда. Ана шундай тадбир Тошкент шаҳар статистика

бошқармасида ҳам ўтказилди. “Инсон, унинг қадр-қиммати, ҳақ-ҳуқуқи — олий қадрият”, деб номланган семинар-учра-шувда бошқарма раҳбарлари ва ходимлари иштирок этди.

Семинарда Асосий қонунимизда биринчи навбатда шахс манфаатларининг давлат манфаатидан устун этиб белги-ланганлиги, инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари олий қад-рият сифатида муҳраб қўйилганлиги таъкидлаб ўтилди. Ўзбе-кистон Республикаси Конституциясининг мазмун-моҳияти ва устувор тамойиллари ҳақида батафсил маълумотлар берил-ди ҳамда тушунтиришлар олиб борилди.

Ш.ХАЙНАЗАРОВ,
Тошкент шаҳар Статистика бошқармаси
Статистика фаолиятини ташкил этиш
ва йиғма ахборот-таҳлилий ишлар
бўлими бошлиғи

МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИР

Яқинда Яккасарой туманидаги Юнус Ражабий номли маҳалла гузарига Юнус Ражабий таваллудининг 120 йиллигига бағишлаб “Уч авлод учрашуви” мавзuida маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Карнай-сурнай навалари остида бошланган тадбирда кекса ва ўрта авлод вакиллари, ёшлар, маҳалла фаоллари, жамоат ва ҳамкор таш-килотлар аъзолари иштирок этди.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бош-қариш органлари фаолиятини му-вофиқлаштириш бўйича шаҳар ке-нағашининг кекса ва факрийлар иш-лари бўйича ўринбосари Ш.Шомаҳ-мудов, туман “Нуроний” жамғарма-си раиси Т.Сайфуллаев ва бошқа-лар мамлакатимиз ёшларини етук-монан соғлом, ҳар томонлама жис-қилиб тарбиялашда катта авлод ва-киллари билан таърибала-

ридан самарали фойдаланиш, улар билан давра сўхбатлари, турли мав-зудаги мулоқотлар ўтказиб бориш нафақат маънавий-маърифий, бал-ки тарбиявий аҳамиятга ҳам молик эканлигини таъкидлади.

– Ёшлар онги ва тафаккурини теранлаштириш, миллий қадрият-ларимизни қадрлашга чорлаш, уларни она Ватанга ҳурмат ва са-доқат руҳида тарбиялаш, қалбида мафқуравий иммунитетни янада куч-айтиришда бу каби тадбирларнинг аҳамияти муҳимдир, – дейди фу-қароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқ-

лаштириш бўйича Яккасарой туман Кенгаши раисининг биринчи ўрин-босари Шўҳрат Икрамов.

Тадбир доирасида “Оила-маҳалла-таълим муассасаси” жамоатчилик ке-нағашига доир кўргазмалар, фотосурат-лар, тадбиркорлик ва ҳунармандчи-лик махсулотлари намойиши, маҳал-ла қошида ташкил этилган тўғарақ-ларда қатнашаётган ёшларнинг ижо-дий ишлари иштирокчилар ва меҳ-монлар эътиборига ҳавола этилди.

Ражабийлар сулоласи томонидан уюштирилган концерт дастури эса барчага бирдай манзур бўлди.

Гулчехра ДҲРДИЕВА

ЁШЛАРНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ УСТУВОР ВАЗИФА

Фуқаролик жамиятини мониторинг қилиш мустақил институтида
“Ёшларни иш билан таъминлашнинг долзарб масалалари: муаммо ва
ечимлар” мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Унда ФЖШМҚМнинг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими ходимлари, Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгаши “Ёшлар сиёсати ва соғлом авлод масалалари” доимий комиссияси, Бандлик ва меҳнат муносабатлари бошқармаси, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Тошкент шаҳар Кенгаши, шаҳар прокуратураси вакиллари, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Тошкент шаҳар Кенгаши, маҳалла фаоллари ва вақтинча ишсиз, бандлиги таъминланмаган 30 ёшгача бўлган ёшлар иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда турмуш даражасини юксалтиришга қаратилган кенг қамровли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлаб ўтдилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан қабул қилинган 2017 йилда иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги давлат дастурига мувофиқ Тошкент шаҳрида 75 минг 747 та янги иш ўрни яратиш белгиланган. Унга асосан 2017 йил январь-октябрь ойларида аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича ҳудудий режага 59 минг 793 та иш ўринлари яратилган.

Тадбирни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад ёшларни иш билан таъминлаш борасида мамлакатимизда олиб борилаётган ишлар, хусусан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати томонидан 2017 йилларда иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш борасида давлат дастури ва бунга асосан ҳукуматимиз томонидан амалга оширилаётган ишлар аҳамияти билан тадбир иштирокчиларини ақидан таништириш, шунингдек, мамлакатимизда ёшларни иш билан таъминлашга катта эътибор берилаётганлиги, олий ва ўрта махсус таълим муассасаларини битирувчи талабаларни иш билан таъминлаш давлатимизнинг асосий вазифаларидан бирига айланганлиги, бунинг учун барча шарт-шароитлар яратилаётганлигини тушунтиришга қаратилди.

Тадбирда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Тошкент шаҳар Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари А.Жумабоевнинг “Ёшлар орасида ишсизлик ҳолатларини бартараф этишда жамоат ташкилотларининг ҳамкорлиги”, Тошкент ша-

ҳар бандлик ва меҳнат муносабатлари бошқармаси бош мутахассиси Ф.Тўраевнинг “Ёшларни иш билан таъминлаш устувор вазифалардан биридир” ва Тошкент шаҳар прокуратураси масъул ходими Азамат Маматқуловнинг бу борада олиб борилаётган ишлар бўйича маърузалари тингланди.

— Сўнгги йилларда мамлакатимизда аҳоли бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилиб, натижада йилдан-йилга янги иш ўринлари яратилаётгани кувонарли, албатта, — дейди Тошкент шаҳар бандлик ва меҳнат муносабатлари бошқармаси бош мутахассиси Ф.Тўраев. — Жорий йилнинг январь-октябрь ойлари давомида Тошкент шаҳридаги туман Бандликка кўмаклашиш марказларига иш сўраб мурожаат этганлар сони 5801 нафарни ташкил этган, уларнинг 4441 нафари ишга жойлаштирилди, шундан 917 нафари қайта касбга тайёрлашга юборилди. Шунингдек, Тошкент шаҳрида банд бўлмаган аҳоли ҳамда касб-хунар коллежларининг битирувчилари бандлигини таъминлаш мақсадида туман ҳокимликлари билан ҳамкорликда жойларда 78 мартаба бўш иш ўринлари ярмаркалари ўтказилиб, унда 1441 та корхона 16024 та бўш иш ўринлари билан қатнашган, 23749 нафар ишсиз фуқаролар мурожаат этиб, улардан 3802 нафарига йўлланма берилиб, 1850 нафари иш билан таъминланган.

Бундан ташқари, маҳаллаларда истиқомат қилаётган ёшлар “Устоз-шогирд” ананалари асосида ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари ташаббуси билан миллий хунармандчиликнинг ғилам тўқиш, ганчкорлик, теридан, даракдан ва темирдан бадиий маҳсулотлар тайёрлаш, миллий қандолатчилик ва бошқа турли касблар бўйича ўқитилаётганлиги ҳамда корхоналар билан ҳамкорликда ишсиз фуқаро ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этилаётганлиги хусусида атрофлича маълумот берилди.

Давра суҳбати давомида иштирокчилар мавзу юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтдилар. Тадбирда ёшларни иш билан таъминлаш борасидаги чора-тадбирлар самарадорлигини янада оширишга доир тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Зиёда РАСУЛОВА,
Ҳаётхон КУЧКАРОВА



Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда

БИРГА КИТОБ ЎҚИЙЛИК!

Пойтахтимиздаги “Болажон” маданият ва истироҳат боғида “Бирга китоб ўқийлик!” мавзусида оммавий китобхонлик акцияси ўтказилди.

Тадбир Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан Ўзбекистон ёшлар иттифоқи марказий Кенгаши, Республика маънавият ва маърифат маркази ҳамда “Интеллект” китобхон ёшлар клуби ҳамкорлигида ташкил этилди.

Унда таниқли санъаткорлар, актёрлар, шоир, ёзувчи ва адиблар, ёшлар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Мамлакатимизда аҳоли, айниқса, ёшлар маънавиятини ошириш, интеллектуал савиясини ривожлантириш, китобхонлик маданиятини юксалтириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 сентябрдаги “Китоб маҳсулотлари-

ни нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутлоаси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги Қарори ана шундай эзгу мақсадларга хизмат қилаётди.

Мазкур ҳужжат ижроси юзасидан ўтказилган тадбирда инсон камолотида муҳим ўрин тутувчи китоблар ва мутлоаа завқи ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди. Мушоира ва суҳбатлар, интеллектуал викториналар уюштирилди.

Акция доирасида мамлакатимизда фаолият юритаётган етакчи нашриётларнинг китоб кўргазмалари ҳам ташкил қилинди.

Мохигул КОСИМОВА,
ЎЗА муҳбири

вом этириб юқоридаги шериклари билан биргаликда икки кун ўтиб, 28 декабрь кунини кечки пайт Тошкент Педагогика университети ва Сингапур институти оралигида ўтиб кетаётган А. Ҳайитбоевнинг йўлини тўсиб, унга тан жароҳати етказиб, 430 АҚШ доллари тўради-ган “Acer” русумли ноутбук, 40 минг сўмлик қўл соати ва 100 минг сўм пулларини эгаллаб, воқеа жойидан ғойиб бўлишган.

Судда судланувчилар айбига тўлиқ иқрорлик билдирди.

2017 йил май ойининг 2-куни жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Чилонзор тумани суди бир гуруҳ уюшган жиноятчиларга қонуний ҳукм ўқиди.

М.Тожиёвга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 164-моддаси 3-қисмининг “а” ва 127-моддаси 3-қисмида назарда тутилган жиноятларни содир этганилиги айби деб топилди. Унга узил-кесил ўташлик учун 10 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси берилди. Қолган судланувчилар: Э.Турсуновга 10 йил, С. Тошкеновга 7 йил, У.Хусанбоевга 6 йил, Ж.Қодировга 6 йил, Ш. Шаҳоджаевга 4 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Хали ўн гулдан бир гули очилмаган бу йигитларнинг қора курсига ўтириши ачинарли, албатта. Аммо мамлакатимизда қонун устувор. Жиноят қилдингми, унинг жазосини оласан. Шу ўринда ота-оналар бу воқеалардан хулоса чиқариб, фарзандининг нима иш билан шуғулланиб юрганини қаттиқ назорат қилиши, коллеж ўқитувчилари ҳар бир ўқувчининг хулқи, даволатини доимо назорат қилиб, таълим-тарбияни кучайтиришлари керак бўлади.

Абдуҳамид КАМИЛОВ,
Чилонзор тумани прокурори

тидан пойтахтимизда фаолият юритаётган масъулияти чекланган жамиятларнинг бирининг номига келган контейнерларни ушбу корхона вакили Н.Аҳмедов иштирокида божхона кўригидан ўтказишганда йўл-кузатув ҳужжатларида қайд этилган умумий вазни 46 тоннадан зиёд пол учун мўлжалланган ламинацияланган плита маҳсулотлари ўрнига умумий қиймати 2 миллиард сўмдан ортқини ташкил этувчи қийим-кечак ва бошқа маҳсулотлар ортқилини аниқлади.

Ҳозирда юқоридаги ҳолатлар юзасидан божхона текширувлари ва суриштирув ҳаракатлари давом эттирилмоқда.

Шу ўринда юртдошларимиздан божхона қондабузарликлари ёки божхона ходимларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари юзасидан Тошкент шаҳар Божхона бошқармасининг 120-76-71 — “Ишонч телефони” рақамига қўнғироқ қилишлари мумкинлигини эслатиб ўтамиз.

Тошкент шаҳар
Божхона бошқармаси
Ахборот хизмати

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

“Respublika mulk markazi” МЧЖ бошланғич баҳоси босқичида-босқич ошиб бориш тартибида ўтказилаётган очик аукцион савдосига тақлиф этади!

Аукцион савдосига Фуқароларга хизмат кўрсатиш бошқармасига тегишли, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Яккасарой кўчаси, 5-уй манзилида сақланаётган қуйидаги техник ҳолати носоз автотранспорт воситалари қуйиомқда: 1.“АВИА-31” (ўзгачагарчи) русумли, давлат рақами 01/189DCA бўлган, 1994 йил и/ч.Бошланғич баҳоси — 5 520 767 сўм. 2.“МАЗ35549” (ўзгачагарчи) русумли, давлат рақами 01/213DCA бўлган, 1986 йил и/ч. Бошланғич баҳоси — 6 117 553 сўм.

Аукцион савдоси 2017 йил 27 декабрь кунини соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охири муддати: 2017 йил 25 декабрь кунини соат 18:00.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилаётган закалат келишувга асосан мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини “RMM” МЧЖнинг АИТБ “Ипак йўли банки” Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20208000500571452114, МФО: 01036, СТИР: 200933850. Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамий кўчаси, 1А-уй. 228-79-52.

Гувоҳнома №001805.

Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси Махсуслаштирилган автокорхонаси DAMAS, NEXIA, LACETTI ва HYUNDAI автомашиналари эҳтиёт қисмлари, аккумулятор батареялари, автошина, антифриз, тормоз суякчилиги ва ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари сотиб олиш учун танлов эълон қилади.

Манзил: Ўчела тумани, Фозилтепа кўчаси, 34. Тел: 274-94-83, 274-19-14.

Шайхонтоҳур туманидаги 491-сонли МТМга осма қурувлари таъмирлаш учун ташкилотлар ўртасида **ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ**
Умумий қиймати 20 000 000 сўмини ташкил қилади. Тақлифлар эълон чоп этилган кундан бошлаб 10 кун мобайнида қабул қилинади. Батафсил маълумотлар учун тел: 245-69-89

Олмазор туманидаги 395-сонли МТМга озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилиш учун ташкилотлар ўртасида **ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ**
Маҳсулотларнинг умумий қиймати 33 307 100 сўмини ташкил қилади. Тақлифлар эълон чоп этилган кундан бошлаб 10 кун мобайнида қабул қилинади. Батафсил маълумотлар учун тел: 248-08-61

Олмазор туманидаги 120-сонли МТМга озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилиш учун ташкилотлар ўртасида **ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ**
Маҳсулотларнинг умумий қиймати 20 090 530 сўмини ташкил қилади. Тақлифлар эълон чоп этилган кундан бошлаб 10 кун мобайнида қабул қилинади. Батафсил маълумотлар учун тел: 214-87-02

Тошкент шаҳар Олмазор тумани Мактабга таълим бўлими мебель ва компьютер жиҳозларини харид қилишга ташкилотлар ўртасида **ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ**
Мебель жиҳозлар учун 29 825 000 сўм, компьютер жиҳозлар учун 62 100 000 сўм ажратилган. Тақлифлар эълон чоп этилган кундан бошлаб 10 кун мобайнида қабул қилинади. Батафсил маълумотлар учун тел: (97) 480-10-02

Ўчела тумани “Ягона дарча маркази” томонидан 2016 йил 4 майда “HAPPY KIDS STAR” нодавлат таълим муассасаси (ИНН 303927077) номига берилган реестр рақами №007936-01 бўлган №007936 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ислом Каримов номидаги ТДТУ томонидан 2014 йилда Худайбердиев Суян Ават ўғли номига берилган рейтинг дафтарчаси йўқолганлиги сабабли


БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ТДТУ томонидан 2014 йилда Юсупов Абдулазиз Абдуллажонович номига берилган М №077946 рақамли диплом иловаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ТДТУ томонидан 2015 йилда Азизов Салоҳиддин Махсумжонович номига берилган В №832576 рақамли диплом иловаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ



Тошкент шаҳрида 29 ноябрь кунини ҳаво ўзгариш турари, кунинг иккинчи ярмида қисқа муддатли ёмғир ёғиши эҳтимоли бор. Шарқдан гарбга йўналишини ўзгартган шамол секундида 3-8

метр тезликда эсади. Ҳарорат кечаси — 1 даража совуқ, 1 даража илқ, кундузи 8-10 даража илқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 29 ноябрда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарари моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратди, ифосиланиш даражаси ност бўлади.

Қилмиш-қидирмиш

ҚОРОНҒИДА ТИЛ ТОПИШГАНЛАР

Кейинги пайтда ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг ошиб бораётгани барчамизни ҳушёр бўлишга чорлайди. Бунинг сабабини таҳлил қилсангиз, ишининг тайини йўқ, дарсларни мунтазам қолдирадиган, тарбияси оғир ўсмирлар бўлиб чиқади.

Мухаммад Тожиёв 19 ёшда, Тошкент шаҳрида туғилган, унинг жиноий шериклари Элмурод Турсунов 24 ёшда.Тикувчилик фирмасида ишчи бўлиб ишлаган, муқаддам судланган. Санжар Тошкенов 18 ёшда, Тошкент вилоятида туғилган, Тошкент тижорат ва тадбиркорлик касб-хунар коллежининг 2 - босқич ўқувчиси. Умиджон Ҳасанбоев ҳам 18 ёшда, Тошкент шаҳрида туғилган, худди шу коллеж ўқувчиси. Жаҳоҳир Қодиоров 17 ёшда, Тошкент автомобил ва йўллар касб-хунар коллежи ўқувчиси. Шерзодбек Шаҳоджаев 16 ёшда, Чилонзор педагогика коллежи ўқувчиси.

Бу йигитлар Мухаммад Тожиёв билан биргаликда асосан қоронғида воёга етмаган болаларни тунаш ишлари билан шуғулланишган.

...Чилонзор тумани Зарқўрғон маҳалласи, 164-мактаб ёнидан ўтиб кетаётган ўсмирни тўхтатишди.

— Тўхта...
— Қаёққа кетаяпсан?
— Уйга.

Амалдаги тартибларга мувофиқ, республика ҳудудига қалбакилаштирилган маҳсулотлар ва товарларни ноқонуний олиб киришга чек қўйиш мақсадида божхона чегараси орқали товарларни олиб кираётган юк ташувчилар чегарани кесиб ўтган жойидаги божхона органларига ўтказилаётган товарлар тўғрисидаги маълумот, шу жумладан уларнинг номи, миқдори, вазни ва юклар қиймати, тегишли товар кодлари ҳақидаги маълумотни тақдим этишлари шарт.

Яқинда Тошкент шаҳар Божхона бошқармаси Контрабандага қарши курашиш бўлими ходимлари томонидан Хитой давлатидан юк қабул қилувчи, (мақоладаги барча исм-шарифлар ўзгартирилган) номига келган иккита контейнер унинг ишончли вакили иштирокида очилиб, кўздан кечирилганда мазкур контейнерларга йўл-юк ҳужжатларида қайд этилган умумий қиймати 12 720 АҚШ доллари ташкил этувчи, вазни 53 тоннадан ортқ МДФ ёғоч толали плитаси ва темир сим маҳсулотлари ўрнига юк кузатув ҳужжатларида қайд этилмаган вазни 52 тоннадан зиёд профнастил учун мўлжалланган саморез маҳсулотлари юкланганлиги маълум бўлди.

Божхона

ҲУЖЖАТДА БОШҚАЮ КОНТЕЙНЕРДА БОШҚА!

Далилий ашё сифатида вақтинча олиб қўйилган товар моддий бойликларнинг умумий қиймати дастлабки ҳисоб-китобларга кўра 1 миллиард 93 миллион сўмдан ортқини ташкил этди.

Агарда тақдим этилган ҳужжатларга асосан маҳсулотлар расмийлаштирилганда 4 млн. сўм божхона тўловлари ундирилиши мумкин эди. Аммо божхона кўриги натижасидаги маҳсулотлар рас-

миёлаштирилганда эса 1 млрд. 31 млн. сўм божхона тўловлари ундирилиши аниқланди.

Бундан кўрииб турибдики, қонунбузар ўзи олиб кираётган товарни ҳужжатларда бошқа ном билан кўрсатиш йўли билан 1 млрд. сўмдан ортқ маблағни давлат бюджетига тўлашдан қочишга уринганлиги фош бўлди.

Шунга ўхшаш ҳолатда Хитой давла-



Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32



Бизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@mail.uz
Буюртма Г- 1135

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: (0-371) 233-28-95
факс: (0-371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
1401 нусхада босилди.
Қозғ бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки
«Тошкент почтматига» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва сақланганлиги.

Нашр учун масъул
О. Ҳазратов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Тошпириш вақти: 13.00

Босишга тошпирилди: 15.40